

## Глобаллашув жараёнларида ибрат тарбияси

А. Аманлаев, Б.Тошбоев

Жиззах ДПИ ўқитувчилари

Маълумки, жамиятнинг ривожининг унинг аъзолари ўртасида мўътадил ижтимоий алоқалар бўлишини тақозо этади. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кун жамиятимиз кишиларининг ижтимоий қиёфаси эртанги кун истиқболини белгилаб беради.

Мазкур масала юзасидан тадқиқот олиб борган республикамиз олимларининг қарашларига кўра, ижтимоий қиёфанинг шаклланишига таъсир этувчи цивилизация ва унинг такомиллашишига муайян маънода ғов бўлувчи ижтимоий инерция<sup>1</sup> ва тафаккурдаги маргиналлик<sup>2</sup> ҳолатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги замон цивилизацияси инсоннинг инсондек яшаши, ишлаши учун турли қулайликларни яратди. Ўз навбатида ушбу мўъжиза инсон ижтимоий қиёфасига, айниқса, ундаги мустақиллик туйғулари шаклланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатаётганлигини илғай олмаслик мумкин эмас. Ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг ўзига хос энг муҳим хусусияти фан ва техника ютуқлари инсон турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётганлиги билан ажралиб туради. Фан ва техника ютуқларининг инсон турмуш тарзига кириб келиши кишиларнинг фан ва техникага бўлган эътиқодини орттириб юборди. Худди шу ҳолат, бир томондан, одамларнинг яшаши, ишлаши учун қулайликларни яратган бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг мустақил шахс бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни заифлаштириб юборди.

Бу жараённинг муайян маънода чуқурлашиб боришига яна бир сабаб технологиянинг кучайиши, телевидение, компьютер технологияси, интернет тизимидан кириб келаётган шиддатли ахборотлар юки остида қолган кишиларнинг миллий маънавият, умуминсоний қадриятларнинг ҳаётбахш тамойилларидан ибрат олишга бўлган иштиёқининг сусайишига олиб келди.

---

<sup>1</sup> Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ENK, 2002. – Б. 106-107.

<sup>2</sup> Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 141.

Интернетнинг жамият иқтисодий, ижтимоий, маданий, техникавий ва ҳоказо тараққиётидаги ўрни беқиёс. Унинг улкан қудратини тан олиш ёки олмаслик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Интернет инсон тафаккури, ақли ва билим қудратининг маҳсули ва инъикосидир. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда унинг инсоният маънавиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Бу нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятларидан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан чалғитиш, ўзлари тарғиб этаётган нопок гоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга Интернет аудиториясининг энг фаол ва энг кўп қисми – тафаккури, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчан бўлади. Замонавий ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси деб қарайдилар. Улар он-лайн тизимига асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун кирадилар. Бунинг оқибатида ибрат ўрнини тақлид эгаллаб қолиш ҳолатлари содир бўлмоқда.

IDC таҳлилчиларининг таъкидлашларича, ёш америкаликлар Россия ва Бразилияликлардан фарқли равишда Интернетга одатдаги ҳол деб қарайдилар. Ўзбекистон ёшлари ҳам дунёдаги тенгдошлари каби асосан янгиликларни ўқиш, курс ишлари ва рефератлар учун материаллар қидириш, дўстлар билан мулоқот қилиш, янги дўстлар орттириш ва ахборот олиш мақсадида Интернетдан фойдаланадилар.

Аммо виртуал макондан ёғилаётган ахборот оқими шунчалик кўпки, унинг қайси бири фойдали, тўғри ва қайси бири ғаразли эканлигини ажратиб олишга ҳар бир йигит-қиз ҳам қодир эмас.

Интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, шахснинг, айниқса ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёш бўғинларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатувчи манбалар оз эмас.

Ана шундай шароитда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва маслагини аниқ белгилаб олишга кўмак берадиган маънавий-тарбиявий омил – ижобий ва ижодий ибратга эҳтиёж янада ортиши шубҳасиздир.

Нима сабабдан биз маънавий қиёфанинг шаклланишида ибратнинг ўрнини кўрсатиш хусусидаги мулоҳазаларимизни ҳозирги замон ахборот коммуникацион технологияларининг таъсиридан бошладик? Чунки, айниқса, ғарбда қиёфасизлик, маънавий дегирадиция (емирилиш), ахлоқсизлик кўринишларининг илдиз отишида ана шу технологияларнинг катта таъсири кузатилмоқда.

Бизнинг шарқона ахлоқ-одобимиз, миллий менталитетимизга ёт ана шундай салбий иллатлардан сақланишимизда ибрат тарбияси ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай шахс ҳаётда ўзига нисбатан қўлланган муносабат ва ибрат асосида ўзлаштирган тажрибасини қўллайди. Айниқса миллий менталитетимизга хос бўлган хатти-ҳаракатдаги ибратга мойиллик шахсни воқеликдаги жараёнларга синчковлик билан назар солишга, ўзбекона урфлар ҳамда муносабатлардан андоза олишга ундайди.

Айни пайтда жамиятдаги ўзгаришларни тақдирломон хусусиятларига шубҳа билан қараш, эски жамиятни қўмсаш, келажакка ишончсизлик туйғулари айрим ўрта ва катта авлод вакилларида учраб туриши маълум маънода ёшларнинг ижодкорлиги, интилувчанлиги, мустақил фикрлашида, ибратга муносабатида салбий ҳолат ва кўринишларнинг юзага келишига сабаб бўлаётганлиги сир эмас.

Бу жараёнларга таъсир этаётган салбий омилларни илмий-назарий таҳлил этиш асосида жамият ва шахс ҳаётида кўзга ташланаётган ижтимоий инерция, шахснинг бегоналашуви, деиндивидуализация, маргиналлик каби

ҳолатларнинг «шахс» – «жамият» – «ибрат» ва «маънавият» конспектида илмий-назарий таҳлил этиш тадқиқ этилаётган мавзунинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга хизмат қилади.

Бугунги баъзи ёшларга бевосита тўхталиб, ижтимоий қиёфаларини таҳлил этиб, беихтиёр уларнинг кечаётган жараёнларга, демократик ўзгаришларга нисбатан бефарқлигидан ҳайратга тушамиз. Улар мустақиллик шарофатидан маълум даражада эсанкираб қолган, мақсадлари унчалик аниқ бўлмаган, бирон-бир касб ёки хунар, илмни ўрганиш мақсадидан йироқ тоифадаги ёшлардир. Бундай ёшлар мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни аниқ идрок этмайдилар. Уларда жамият ва халқ тақдирига бефарқлик билан қараш кайфияти сезилиб туради. Бефарқ бўлиш уларнинг онгига сингиб, уларда ибрат орбитасидан тобора узоқлашиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Албатта, бундай ёшлар озчиликни ташкил этади. Аммо мазкур муаммо сабабларини ўрганадиган бўлсак, унинг илдизлари ёшларнинг бевосита оилавий тарбиясига, жамиятда янгича қарашларни онгига сингдира олмайдиган, руҳиятида стереотиплар мавжуд шахсларнинг уларга таъсир қилиши ва бошқа омилларга бориб тақалади. Бунинг натижаси ўлароқ, бундай ёшларда боқимандалик кайфияти, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга бефарқлик каби иллатлар кузатилади.

Бундай ҳолатларда фақатгина ёшларни айблаш нотўғри, чунки бу муаммоларнинг илдизи аслида одатий турмуш тарзимизга айланиб қолган баъзи салбий одатларга бориб тақалади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур муаммо турмуш тарзимиз билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ечимини ҳам ўз руҳиятимиздан, хатти-ҳаракатимиз ва кундалик турмушимиздаги одатий бўлиб қолган иллатлар, фикрлаш тарзимиздан излашимиз керак.

Бугун давлат сиёсати шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган экан, табиийки, ҳар бир ёш ўз фуқаролик позициясини аниқлашга, ижтимоий қиёфасини шакллантириб, мукаммаллаштиришга

интилмоғи даркор. Бу эса энг аввал ўзида бефарқлик ва боқимандаликни йўқ этишдан бошланади<sup>3</sup>.

Янгича фикрлаш, ишлаш ва яшаш маданиятига эга бўлган мустақил шахсни шакллантирмоқ учун, энг аввало, айрим кишилар хулқ-атворида, хатти-ҳаракатида ҳозирча устуворлик қилиб турган, ўтмишдан бугунга ижтимоий инерция туфайли ўтиб келган салбий ҳолатларни бартараф этишимиз лозим. Эскиликка қарши муросасиз бўлиш, янгиликни зудлик билан жорий қилиш – инсонпарвар, демократик жамият талабидир.

Инсон хулқ-атворида содир бўладиган ўзгаришлар, биринчидан, жамиятнинг ижтимоий структурасига; иккинчидан, маданият ва маънавият нормаларига, хусусан, миллий ёки умуминсоний қадриятлар талабларига қандай риоя қилаётганлигига ёки амал қилмоқчи бўлган ўша талаблар, қоидалар, урф-одатлар, расм-русумларни билиш даражасига, учинчидан, ҳар бир кишининг онглилиги, фикрлаш услубига, ҳаётдан орттирган тажрибасига, яъни олган сабоғига боғлиқ бўлади. Шунингдек, инсон хулқ-атворида жамият ижтимоий структурасининг турли қатламлари, табақалари, гуруҳларининг ўзига хос норматив талаблари, эҳтиёжлари, манфаатлари ҳам ўз ифодасини топади..

Илмий тадқиқот ишларида, жамият ҳаёти, тарихий воқеалар хусусида мустақил фикр юритиш борасида ибрат ва тақлид кўзга яққол ташланади. Биз юқорида тадқиқ этган Форобий, Ибн Сино, Беруний сингари алломалар ўзларидан аввалги олим, файласуф ва мутафаккирлардан ибрат олиб, улар эришган маънавий чўққидан янада баландроқ илмий манзилларга қадам қўйдилар. Илмий-маънавий юксалишда ибрат тараққиёт омили эканлигини амалиётда исбот қилдилар. Афсуски, ҳозирги айрим тадқиқотчилар ибрат – илм, ҳунар ва касб-корни чуқур эгаллаш омили эканлигини нотўғри тушунгани ҳолда ё ибрат манбаига кўр-кўрона сажда қиладилар ёки тақлид

---

<sup>3</sup> Убайдуллаев Б. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари: ижтимоий киёфага чизгилар // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 14.

йўлини танлайдилар. Натижада янгилик ўрнида муайян муаммо талқинида тақлид юзакичилик ва кўчирмачилик иллатлари илдиз отади.

Илмий изланишларда ибрат – илм тўплаш, тажриба орттириш ва бу салоҳиятни янги шароитда рўёбга чиқариш эканлигини тушуниб етмаслик оқибатида тақлидчилик иллоти вужудга келади. Илм аҳли ўзидан ввал ўтган олимлар ва замондошлари нуқтаи назарларидан ўзининг илмий асосланган назарий концепцияларини яратишда фойдаланишда меъёрга риоя қилмаслик фан учун кам самара берадиган асарларнинг пайдо бўлишига олиб келса, тадқиқотчи илмий салоҳиятининг ўсишига ҳам ана шундай салбий таъсир қилади.

Ҳар қандай фикр, ғоя тап-тақир жойда шаклланмайди. Илмда таҳлил қиёси, аввалги назарияларга таяниш устуворлик қилади. А.Фитрат бежиз «мозий – истиқболнинг тарозиси» демаган. Ҳар қандай илмий, ижтимоий муаммолар ечимининг ибтидоси ибратда мужассам бўлиб, инсоният тараққиётининг муайян даври хусусиятлари орқали ойдинлашади.

Бу нарса бошқа соҳалар каби илмда ҳам ихлос ва ибрат устуворлик қилиши кўзга ташланади.

Бинобарин, илмий изланишларда ибратнинг муҳим шартларидан бири – шахснинг ўз мулоҳазалари ва билимига нисбатан масъулиятли бўлиши, муайян «замонавий» ва «фойдали» ғояларнинг ҳам инсон манфаатлари ва камолотига қай даражада хизмат қилишини назарда тутмоғи лозим. Ибрат дарёсидан сув ичган, аммо эркинлик ва масъулиятдан йироқ тафаккур ҳеч қачон фаол ва мустақил бўлолмайди.

Бу таъсир баъзи бир ҳолларда ниҳоятда мураккаб, зиддиятли тус олиши мумкин. Дунёқараш ва ижтимоий баҳолашнинг аввалги тизимини йўқотган, янги собит тизимга эга бўлолмаган катта авлоднинг айрим вакиллари фарзандлари ва тарбияланувчиларини маънавий-эътиқодий йўналтиришда қийналиб қоладилар. Натижада оилада, ўқишда ва ишда аниқ ҳаётий йўл-йўриқ, маслаҳат ололмаган бола, ёш йигит ва қиз дунёқараш ва эътиқод масалаларида чалғиб, сохта қадриятларга мойиллик кўрсатиши ҳеч

гап эмас. Буни кейинги йилларда юз берган нохуш воқеалар, айрим ёшларнинг диний экстремизм таъсирига тушаётгани кўрсатиб турибди. Аслини олганда, бу жуда мураккаб масала. Бола маълум ёшда ота-онасидан мустақилликка интилади. Лекин ижтимоий ва аксиологик мўлжаллар, идеаллар аслида асосан ёшликда оилада ва мактабда шаклланади. Оилада ва мактабда бола тарбиясида камчиликларга йўл қўйилса, бу камчиликларни кўча «тўлдиради». Кўчанинг таъсири эса доим ҳам ижобий бўлавермайди.

Бунда меҳнат ва касб тарбияси, меҳнат бозори талабларига мослашиш, ишбилармонлик билан шуғулланиш кўникмаларига ўргатишдан тортиб то сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ўстиришгача бўлган тарбиянинг барча йўналишлари назарда тутилмоқда.

Шунинг учун барча тарихий даврларда «замонавий ёшлар қиёфаси»ни ўрганиш ва ривожлантириб бориш мазкур жамиятларнинг олдидаги долзарб масалалардан саналган.

Тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, янги авлодни ижтимоий ҳаётга жалб этишдаги бир жараён бир вақтнинг ичида икки хил кўринишни акс эттиради. Биринчиси – ёшлардаги ижтимоийлашув ва иккинчиси – жамиятдаги ювентизация. Табиийки, биринчиси авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшса, иккинчиси ижтимоий тараққиётни янгилаш учун ёшлар ҳаракатидаги ўзига хос ижодкорликни ифода этишга бўлган уринишни ифодалаб беради. Ижтимоийлашувда «жамият-ёшлар» жараёни намоён бўлса, ювентизацияда «ёшлар-жамият» ҳолати ифода этилади<sup>4</sup>. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин:

– ибратнинг ахлоқий тушунча сифатида инсон ижтимоий қиёфасини шакллантиришдаги аҳамиятини миллий менталитет хусусиятлари, миллатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, илмий-маънавий қадриятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир;

---

<sup>4</sup> Социология. Учебное пособие для студентов ВУЗов. – Мн: НТООО «ТетраСистемс», 1998. – С.391.

– шахс маънавий қиёфасига таъсир этувчи глобал ўзгаришларда ижобий жараёнлардан ибрат олиш кўникмасининг ҳар бир жамият фуқаросида шаклланишига жиддий илмий-тарбиявий масала сифатида қараш лозим;

– ибрат тарбиясини ижтимоий-фалсафий ва социологик тадқиқ этиш орқали ёшлар маънавий қиёфасига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий омилларни асослаш ва таълим жараёни, ижтимоий амалиёт, оилавий турмуш тарзига сингдириб бориш зарур.